# Qishloq hayoti

2012 йил — Мустаҳкам оила йили

Қишлоқ ҳаёти

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi www.qishloqhayoti.uz

2012-YIL 1-IYUN, JUMA, 65 (7990) - son

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.




Ўсимликларни зараркунандалар, касаллик ва бегона ўтлардан ҳимоя қилиш қишлоқ хўжалиги экинларидан мўл ва сифатли ҳосил етиштиришда энг муҳим омиллардан биридир. Мамлакатимизда бу борада кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда, жумладан, атроф-муҳит, инсонлар ва жонзотлар учун безарар бўлган биологик кураш усули тобора кенг жорий қилинмоқда.

2



Авваллари фермер деганда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи оддий деҳқон кўз олдимизга келарди. Қувонарлиси, бугунги фермер оддий деҳқон эмас, балки ўз касбининг устаси, ернинг тилини биладиган мутахассис ҳамда иқтисодий ва ҳуқуқий билимли раҳбар, энг муҳими, қишлоқнинг замонавий кишиси ҳамдир.

3



"Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури ижросини таъминлаш, оилада соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, оилавий спортни ривожлантириш, касаба уюшма аъзоларини оммавий спортга кенг жалб этиш мақсадида Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмалари Марказий Кенгаши томонидан "Соғлом оила — жамият таянчи" оилавий спорт мусобақалари ташкил қилинди.

4

САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА

Қорақалпоғистон Республикаси

БУГУН — ХАЛҚАРО БОЛАЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ КУНИ



# МЕҲР ВА ЭЪТИБОР ОҒУШИДА

**Тахиатош шаҳридаги "Болалар уйи"да Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни байрами ҳар йили кенг нишонланади. Жорий йилги байрамга ҳам жамоада катта тайёргарлик ишлари кўрилди. Ушбу муассасада барча шароитлар яратилган.**

"Болалар уйи" шаҳар ҳокимлиги ва ҳомий ташкилотларнинг ёрдами билан 2008 йилда қайта таъмирланди. Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Кенгаши томонидан муассаса учун жиҳозлар ва спорт инвентарлари олиб берилди.

"Болалар уйи"да мунтазам равишда қизиқарли тадбирлар бўлиб ўтади. Жумладан, яқиндагина болалар миллий либослари кўргазмаси ва ярмаркаси ташкил этилди. Кам таъминланган оила фарзандлари иштирокида асфальтга расм чизиш бўйича танлов ўтказилди. Ташкилотлар ва ҳомийлар томонидан совғалар топширилди. Ҳомийларнинг ёрдами билан дам олиш масканларига саёҳатлар уюштирилмоқда.

**Қабул БЕГИМОВ олган сурат.**

# РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин 2012 йил 4 июнь куни расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлади.

Ташриф давомида Ўзбекистон-Россия ҳамкорлигини янада ривожлантириш масалалари, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб муаммолар муҳокама қилиниши мўлжалланмоқда.

# ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР — ФЕРМЕРЛАР ХИЗМАТИДА

## «ЎЗЭКСПОМАРКАЗ»ДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ УЧУН МИНИТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА ИХЧАМ УСКУНАЛАРНИНГ «UZBEKISTAN AGROMINITECH EXPO – 2012» ХАЛҚАРО ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КЎРГАЗМА-САВДОСИ ЯКУНЛАНДИ.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Фермер хўжаликлари уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилган кўргазманинг сўнгги иш кунида Хоразм, Навоий, Бухоро ва Самарқанд вилоятларидан фермерлар, агрофирмалар раҳбарлари, улгуржи-чакана савдо компаниялари ва кичик бизнес вакиллари иштирок этди.

– Хўжалигимиз ғалла ва сабзавотлар етиштиришга ихтисослашган, – дейди Самарқанд вилоятидаги «Бурҳон Пардаев ерлари» фермер хўжалиги раҳбари Суннат Бурҳонов. – Шунингдек, ўн беш гектар боғимиз ҳам бор. Кўргазма-савдода "Агробанк"дан олинган кредит эвазига Германияда ишлаб чиқарилган 50 тонналик сиғимга эга совиткич харид қилдик.

Давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 24 августда қабул қилинган "Қишлоқ хўжалиги учун минитехнологиялар ва ихчам ускуналарнинг халқаро ихтисослаштирилган кўргазма-савдосини ўтказишни ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида ўтказилган жорий йилги кўргазма-савдода қишлоқ хўжалигининг турли тармоқлари учун зарур юзга яқин турдаги минитехника ва ускуналар намойиш этилди.

Хоразм вилоятидаги «Баҳром» фермер хўжалиги бир неча йилдан буён аҳолига 6 хилдаги сут, 12 хилдаги мураббо ва шарбатлар ҳамда нон маҳсулотлари етказиб бермоқда. Фермер М.Раҳмонов мазкур маҳсулотларни тайёрлайдиган ускуналарни аввалги кўргазма-савдоларда харид қилган эди. Бу гал мамлакатимиздаги «Мехмаш Агро» масъулияти чекланган жамиятининг компьютерлаштирилган иссиқхона қурилмаси унда катта қизиқиш уйғотди.

– Йиғма металл конструкцияли мазкур иссиқхона ичида иситиш ва совутиш тизими ўрнатилган, – дейди М.Раҳмонов. – Исталган ҳудудга ушбу йиғма иссиқхонани ўрнатиб, қишда ҳам ёздагидек ҳосил олиш мумкин. Шунингдек, у томчилатиб суғоришни йўлга қўйиш учун ҳам қулай. Бундан ташқари, Беларусда ишлаб чиқарилган экскаватор ҳам харид қилдик.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги ривожида сувни юқори даражада тежайдиган томчилатиб суғориш тизими, интенсив технологияга асосланган боғлар яратиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қиш-баҳор мавсумига сифатли сақлашни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилаётир.

– Хомашёдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш инфратузилмаси тобора ривожланмоқда ва такомиллашмоқда, – дейди Бухоро вилоятидаги "Нурмуҳаммад Миржавоҳир" фермер хўжалиги раҳбари Умиджон Айитов. – Хўжалигимизда етмиш нафарга яқин ишчи меҳнат қилади. Эндиликда фаолиятимизни янада кенгайтириш мақсадида 23 гектар боғимизда етиштирилган мевани сақлаш учун Италияда тайёрланган 250 тонналик сиғимга эга музлаткич харид қилдик. Шунингдек, Сербиянинг пастак мевали дарахт кўчатлари етиштиришга ихтисослашган «Agroexem d.o.o» компанияси билан беш гектар боғ яратиш борасида келишувга эришдик.

Қишлоқ мулкдорларининг имкониятини янада кенгайтириш ва зарур ускуналарни танлашда ёрдам кўрсатиш мақсадида кўргазма доирасида дунёдаги етакчи компанияларнинг технологиялари тақдимоти, техника ва технологиялар харид қилиш учун имтиёзли шартларда кредит ажратиш тартиби, уларни ишга туширишга оид семинарлар бўлиб ўтди.

**Сайёра ШОЕВА,**
**ЎзА мухбири.**

**Куннинг муҳим воқеалари**

▶ «Ҳар бир фарзандга меҳр, эътибор!» махсус ҳафталиги доирасида Ўзбекистон академик рус драма театрида концерт бўлиб ўтди. Тадбирда болалар бадиий жамоалари ижросидаги катта концерт дастури ёш томошабинлар эътиборига ҳавола этилиб, кичкинтойларга байрам совғалари топширилди.

▶ **Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан Беруний туманида Президентимиз Ислом Каримовнинг 2012 йил 10 апрелда қабул қилинган "Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони ижросини таъминлаш, унинг мазмун-моҳиятини тадбиркорларга етказиш масалаларига бағишланган тадбир ўтказилди.**

▶ Самарқанд шаҳрида инновацион кўргазма бўлиб ўтди. Унда Тошкент, Бухоро, Жиззах ва Самарқанд вилоятларидаги олий таълим муассасалари ҳамда бошқа бир қатор илмий-тадқиқот институтлари томонидан тақдим этилган 150 дан зиёд технологик лойиҳа ва ишланмалар намойиш этилди.

Қашқадарё Вилояти

# ЯНГИ ҚОНУНЛАР ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

**Қарши шаҳрида Ўзбекистон Республикасининг "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида"ги ҳамда янги таҳрирдаги "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги қонунларининг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш масаласига бағишланган семинар ўтказилди.**

Тадбирда депутатлар, вилоят прокуратураси, адлия, солиқ бошқармалари масъул ходимлари, тижорат банклари вакиллари, касб-ҳунар коллежлари директорлари, тадбиркорлар ҳамда «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг шаҳар ва туман бўлимлари раислари иштирок этди.

Оилавий бизнес тадбиркорлик фаолияти шаклларидан бири сифатида иқтисодиётни ривожлантиришга самарали таъсир этишини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда. Мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш ва соҳа вакилларини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларга имтиёзлар беришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Анжуманда «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги ҳамда янги таҳрирда қабул қилинган "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари мазкур соҳани ривожлантиришни рағбатлантириш, тадбиркорлик субъектлари ташкил этиш механизмини соддалаштириш, ушбу тармоқ вакиллари учун кўпроқ эркинликлар беришга хизмат қилиши таъкидланди.

Семинарда иштирокчилар адлия, прокуратура, солиқ ва банк тизими мутахассисларидан қонунларда тадбиркорлар ва оилавий бизнес вакилларига берилган имтиёзлар, афзаллик ва имкониятлар ҳақида кенг маълумот олди.

**Ф.ХОЛМИРЗАЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

Жиззах Вилояти

ПИЛЛАЧИЛИК

# ПУШТИ, САРИҚ, ЯШИЛ...

## *Улар камалак жилоларидаги ранглар эмас, балки ипак қуртининг янги навлари ҳосили — пилладир.*



**Президентимизнинг 2006 йил 15 ноябрдаги "Республика пиллачилик тармоғини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори пиллачилик соҳасида янги ривожлантириш даврини бошлаб берди. Ушбу ҳужжат маҳсулдорлик, сифат ошишига омил бўлиш баробарида ипак қурти генафондини яхшилаш, янги навлар яратиш борасидаги талай ташаббусларга қанот, изланишларга дастуриламал бўлмоқда. Ана шу изланиш ва ташаббуслардан бири сифатида Тошкент давлат аграр университетининг ипакчилик кафедраси олимлари томонидан пушти, сариқ ва яшил рангли пилла навлари яратилганини айтиш мумкин.**

— Бунинг учун Японияддан махсус супер элита уруғлари келтириб, уч йил давомида лаборатория шароитида такомиллаштирилган маҳаллий нав ипак қурти уруғлари билан чатиштириш ишлари олиб бордик, — дейди кафедра доценти Турсунпўлат Азизов. — Бу йил уларни дала шароитида Жиззах вилоятининг Фориш ва Ғаллаорол туманларида синаб кўришга аҳд қилдик. Бу икки туманни танлашимизнинг сабаби эса... Фориш туманида тутзорлар бирмунча кеч уйғонади, ёғингарчилик мўл бўлади, бу ерда тут барглари бироз юмшоқ бўлади. Ғаллаорол туманида ҳарорат тез кўтарилади, тутлар барги Фориш тутлариникига нисбатан қаттиқроқ бўлади. Қуртларимиз иккала шароитда ҳам яшовчан, демакки, республикамиз иқлимига мос бўлиб чиқди. Серҳосиллигини айтинг. Ғаллаорол туманидаги Бешбола қишлоғида яшовчи пиллачи Сабоҳат Лапасова унинг бир қутисини парваришлаб, 75 килограмм, қўшни қишлоқлик Муҳаббат Ақназарова 73 килограмм ҳосил кўтарди. Фориш туманидаги пиллачиларимиз ҳам шундай мўл ҳосил етиштиришяпти. Энди бу нав пиллаларидан олинадиган ипаклар бўялмайди: пушти ранг мато керакми, марҳамат, пушти пилламиз ипагидан олаверасиз, яшил рангли ипакни яшил пилламиз беради. Ипакчанлиги маҳаллий навларникига қараганда 5-6 фоиз юқори — 26 фоизга боради. Маҳаллий нав пилласи таркибидаги ипакнинг узлуксиз чувалиши 500-600 метр, бу нав пиллада эса 820 метргача. Ҳар дона пилла салмоғи эса маҳаллий навларда 1-1,2 грамм, бу навларда 1,6-1,8 грамм.

— Биз, пиллачилар учун яхши томони шунда эканки, — дейди моҳир пиллачи Сабоҳат Лапасова, — қуртлар баргларни камроқ истеъмол қиларкан. Бир қути ипак қурти учун 850-900 килограмм барг кифоя. Мен қўшни хонада яна бир қути хитой пилласи боққанман. Бу нав қуртлари бир тоннадан зиёд барг еди ва 68 килограмм ҳосил олдим.

— Ҳозиргача бу каби рангли пиллалар фақат Ҳиндистон ва Таиландда етиширилларди, — дейди Турсунпўлат Азизов. — Олимларимиз қизил ва қора рангли пилла етиштириш устида ҳам иш олиб боришяпти.

— Олимларнинг бундай самарали ишларидан барчамиз хурсандмиз, — дейди вилоят «Пилла» масъулияти чекланган жамияти раиси Баҳром Туротов. — Негаки, бу билан пиллачиларимиз обрўси ортибгина қолмай, вилоятимизнинг 605 тонналик хирмонига ҳам барака киряпти. Эртаиндин бу юксак чўққини эгаллаймиз. Пиллачиларимизнинг яна бир хурсандликлари боиси шуки, вилоятимизда хусусий тадбиркор Холисхон Бобоева бошлиқ пиллани қайта ишлаш корхонасида яқинда вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан пилла уруғчилиги цехи қурилишига киришилди. Унда йилига камида 15 минг қути уруғ очирилади.

**Келдиёр ЖЎРАҚУЛОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

**Авваллари фермер деганда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи оддий деҳқон кўз олдимизга келарди. Қувонарлиси, бугунги фермер оддий деҳқон эмас, балки ўз касбининг устаси, ернинг тилини биладиган мутахассис ҳамда иқтисодий ва ҳуқуқий билимли раҳбар, энг муҳими, қишлоқнинг замонавий кишиси ҳамдир.**

**Азат ТИЛЕЎМУРАТОВ,**
*Ўзбекистон фермер хўжаликлари уюшмаси Қорақалпоғистон Республикаси филиали раҳбари.*

# МЕҲНАТ ВА РАҒБАТ УЙҒУНЛИГИ

## ҚИШЛОҚ МУЛКДОРЛАРИ ЮТУҚЛАРИДА МУҲИМ ОМИЛ БЎЛМОҚДА

Фермерларимиз қишлоқ хўжалигининг биргина соҳаси билан чекланиб қолмасдан, қатор соҳаларни биргаликда ривожлантирмоқда. Булар, албатта, мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги соҳасида олиб борилаётган изчил ислоҳотлар самараси, қишлоқларимизда етакчи кучга айланган фермерларимизга кўрсатилаётган ғамхўрлик натижасидир. Буни Оролбўйи фермерлари мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Тахтакўпир туманидан Ағитай Адилов ҳамда шу тумандаги "Таймбет" фермер хўжалиги раҳбари Сарсенбой Сейтназаровларга мамлакатимизнинг юксак мукофоти — "Ўзбекистон Қаҳрамони" унвони берилди.

Президентимиз соврини учун ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган "Ташаббус" кўрик-танловида ҳам фермерларимиз муносиб иштирок этиб келмоқда.

Улар қишлоқ хўжалиги хомашёсини етиштириш билан чекланиб қолмасдан, қишлоқларга энг замонавий ускуналарни олиб келиб, шу ернинг ўзида турли маҳсулотлар ишлаб чиқармоқда. Ўтган йили Нукус туманидаги "Қўнғиротбой Меҳри" фермер хўжалиги қошида сутни қайта ишлаш цехи ишга туширилди. Яқинда Қўнғирот туманидаги "Тўрт қора саксан" фермер хўжалиги қошида Италияда ишлаб чиқарилган ускуналар олиб келиниб, бир кеча-кундузда 500 литр сутни қайта ишлайдиган цех фойдаланишга топширилди. Бундай замонавий ускуналар воситасида цех очиш истагини билдирган фермерларимиз сафи тобора кенгайиб бормоқда.

Фермерлар жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари илғор тажрибаларини ўрганиб қайтиши ва ўзаро ҳамкорликда иш олиб боришлари учун кенг имкониятлар эшиги очилди. Жорий йилнинг ўзида Оролбўйининг бир гуруҳ фермерлари Германия, Малайзия, Вьетнам каби мамлакатларда бўлиб қайтди. Яқин кунларда яна бир гуруҳ фермерларимизнинг Польша мамлакати қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган ишлар билан танишиб қайтиши режалаштирилган.

Фермерлик ҳаракатини янада ривожлантириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, хориж инвестицияларини жалб этиш ва янги лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида уюшмамиз томонидан БМТнинг Тараққиёт Дастури, ТІКА, Глобал экологик фонди, Японияниинг халқаро ҳамкорлик — JICA агентлиги, Жаҳон банки ва бошқалар билан ҳамкорликда иш олиб борилмоқда. Биргина Япониянинг халқаро ҳамкорлик агентлиги билан 2012-2014 йиллар мобайнида жами 5950 минг АҚШ доллари миқдоридаги лойиҳа амалга оширилади. Лойиҳага кўра, ички зовурлар ва каналларни тозалаш мақсадида мавжуд 129 та сув истеъмолчилари уюшмаларининг ҳар бирига 1 дона экскаватор, 1 дона бульдозер берилади. Шунингдек, Нукус шаҳрида чорвачилик-наслчилик заводини қуриш, Беруний ва Қўнғирот туманларида сутни қайта ишлаш, мева, сабзавот, полиз маҳсулотларини қуритишга ихтисослашган агрофирмалар тузиш назарда тутилган.

2012 йилда ҳар бир фермер хўжалигида қўшимча 2 тадан қорамол, 200 тадан парранда боқиш, 141 та фермер хўжалигида 1410 асалари оиласини боқишни ташкил этиш белгиланган. Фермер хўжаликларини мева кўчатлари, сабзавот, полиз уруғлари, кимёвий препарат ва бошқа зарур нарсалар билан таъминлаш мақсадида барча туманларда "Деҳқон дўкони"ни ташкил этиш ишлари олиб боріляпти.

*Фермер — қишлоқда етакчи куч. Бугун баралла овозда шундай дея оламиз. Президентимиз раҳнамолигида қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислоҳотлар самара бермоқда. Хусусан, фермерлик ҳаракати ўзининг истиқболли эканлигини намоён этди. Фермерларимиз нафақат ҳосилдорликни ошириш, мўл ва сифатли ҳосил яратиш, балки уни қайта ишлаш, қишлоққа саноатни олиб кириш, қишлоқ инфратузилмасини ривожлантиришда фаоллик кўрсатишаётир.*

*Оролбўйида қишлоқ хўжалигининг кўпгина тармоқларида фермерликда катта тажриба тўпланган, ҳатто тажриба мактаблари яратилган. Ташаббускор, изланишу интилишдан чарчамайдиган фермерлар, уларнинг илғор тажрибалари хусусида ҳикоя қилувчи "Фермер — қишлоқда тараққиёт ва фаровонликни таъминловчи куч" саҳифасининг ушбу сонида ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФЕРМЕРЛАРИ фаолияти билан танишасиз.*




# ҚИШЛОҚДА ТАРАҚҚИЁТ ВА ФАРОВОНЛИКНИ ТАЪМИНЛОВЧИ КУЧ

ПАРРАНДАЧИЛИК

**Фермерлик соҳасида сўнгги йилларда паррандачиликни ривожлантиришга ҳам катта аҳамият берилмоқда. 2009 йилда Самарқанддаги паррандачиликка ихтисослашган қўшма корхонадан уч минг бош "Ломан Браун" зотдор жўжа олиб келиб, фаолиятимизни бошлаган эдик.**

## МАҚСАДИМИЗ — ИККИ МИЛЛИОН ДОНАДАН ОШИРИШ

Бугунги кунга келиб, фермер хўжалигимизда боқилаётган паррандаларнинг бош сони 32 мингдан ошибди. Ўтган йили 1 миллион 200 минг дона тухум олдик. Олинган тухумлар Қорақалпоғистон Республикасининг барча туман ва шаҳарлари аҳолисига шартнома асосида етказиб берилди. Жорий йилда 2 миллиондан зиёд тухум олишни режалаштирганмиз. Бунинг учун фермер хўжалигимизнинг имконияти етарли.

А.Навоий номли овул фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган фермер хўжалигимизда ҳозирги кунда 6 нафар киши меҳнат қилмоқда. "Асакабанк"дан олинган кредит ҳисобига жорий йилда 50





минг АҚШ долларига Вьетнам Республикасидан парранда учун омихта ем ишлаб чиқарадиган мини цех олиб келмоқчимиз. Бу нафақат хўжалигимизни, балки бошқа паррандачилик хўжаликларини хам омихта ем билан таъминлаш имкониятини беради. Бундан ташқари, Оролбўйида биринчилардан бўлиб туяқуш, песарка ва қирғовул тухумларини ўзимизда кўпайтирмоқчимиз. Паррандачилик билан бирга чорвачиликни ҳам ривожлантирмоқчимиз. Айни кунда фермер хўжалигимизда 60 бош қорамол парваришланмоқда.

Фермер хўжалигимиз ўтган йилни 100 миллион сўм соф фойда билан якунлади. Олинган фойдамиз ҳисобидан кам таъминланган оилаларга ёрдам бермоқдамиз. Жумладан, туманимиздаги кам таъминланган 200 та оилага, Шуманай туманидаги кам таъминланган 200 та оилага жами 8000 бош паррандани бепул тарқатмоқчимиз.

Етти хазинанинг бири ҳисобланган паррандачиликни ривожлантириш орқали мамлакатимиз иқтисодиётининг мустаҳкамланишига ва халқимиз турмуш фаровонлигини оширишга ўз улушимизни қўшишни асосий вазифамиз, деб ҳисоблаймиз.

**Мамашарип ҚУРБОНОВ,**
**Элликқалъа туманидаги "Нуруммат Қурбонов" фермер хўжалиги раҳбари.**

Оролбўйи азалдан ўзининг балиқлари билан ном қозонган. Мустақиллик йилларида бошқа соҳалар каби балиқчиликни ривожлантиришга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Барча туманларда балиқчилик фермер хўжаликлари ташкил этилмоқда.

## ТАРМОҚ ОЁҚҚА ТУРМОҚДА

Балиқчиликка ихтисослашган «Антиқа» фермер хўжалигимиз 2003 йилда ташкил этилди. Биз асосан шундай хўжаликларга бир йиллик балиқ чавоқлари ва личинкаларини етказиб бериш билан шуғулланамиз. Фермер хўжалигимизда 7 нафар киши меҳнат қилмоқда.

Жаҳонда балиқчилик соҳасида ривожланган мамлакатлардан ҳисобланган Вьетнам Республикаси ва Малайзиянинг илғор тажрибаси бизда ҳам ўрганилмоқда. Ўтган йилнинг ноябрь ойида балиқчилик фермер хўжаликлари раҳбарлари Вьетнам Республикасида бўлиб қайтдилар. Яқин кунларда эса Малайзия мамлакатига балиқчиликни ривожлантириш бўйича уларнинг тажрибасини ўрганиш учун бормоқчимиз.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши томонидан балиқчилик соҳасини ривожлантириш, илғор тажрибаларни жорий этиш борасида бир қатор семинарлар ташкил этилмоқда. Яқинда Нукус туманидаги «Нукус балиқ» масъулияти чекланган жамиятида «Балиқ чавоқларини етиштириш, табиий ҳавзаларни ва сунъий ҳовузларни балиқлантириш ҳамда инкубация цехлари ишини ташкил этиш» мавзусида кўргазмали семинар ўтказилди. Унда балиқчиликка ихтисослашган фермер хўжаликларининг раҳбарлари иштирок этиб, ўзаро тажриба алмашишди.

БАЛИҚЧИЛИК

Ўтган йили бизнинг «Антиқа» фермер хўжалигимиз томонидан 200 минг дона бир йиллик балиқ чавоқлари тайёрланди. Жорий йилда 30 миллион дона балиқ личинкаси етиштиришни режалаштирганмиз. 2012 йилнинг биринчи чорагида «Тўрткўл Барака тутунув» корхонасига 21670 дона, Элликқалъа туманидаги «Хамро ота» фермер хўжалигига 4433 дона, Нукус туманидаги «Жалол қора Нукус» хусусий корхонасига 33300 дона, Чимбой туманидаги «Алимбет кўл» фермер хўжалигига 16670 дона, Шуманай туманидаги «Марат» хусусий корхонасига 9000 дона, Мўйноқ туманидаги «Аму Орол» фермер хўжалигига 10000 дона бир йиллик балиқ чавоқлари шартнома асосида етказиб берилди.

«Хоразм балиқ маҳсулотлари» масъулияти чекланган жамиятидан шартнома асосида 4 миллион дона карп, амур, дўнгпешона она балиқлар олиб келинди. Бугунги кунгача карп балиқларининг личинкалари чиқарилган бўлса, яқин кунларда амур, дўнгпешона балиқларининг личинкаларини олишга тайёргарлик кўрмоқдамиз.

**Шуҳрат РАДЖАБОВ,**
**Тўрткўл туманидаги «Антиқа» фермер хўжалиги раҳбари.**

**РАҚАМЛАРДА ҲАЁТ АКСИ:**

Жорий йилда Оролбўйи балиқчилари томонидан **3102 тонна** балиқ овлаш режалаштирилмоқда. Бунинг учун янгидан **27 та** балиқчилик фермер хўжаликларини ташкил этиш белгиланган. Бундан ташқари, қабул қилинган Дастурга мувофиқ Кегейли, Қўнғирот туманларида **2 тадан**, Қораўзак, Мўйноқ ва Тўрткўл туманларида **1 тадан** балиқчилик хўжаликларини ташкил этиш назарда тутилмоқда.



ASALARICHILIK

АСАЛАРИЧИЛИК

## МЕҲНАТИ ОҒИР, МАҲСУЛИ ШИРИН

**Мамлакатимизда асаларичиликни ривожлантиришга, ушбу соҳа билан шуғулланувчиларга кенг имкониятлар яратишга катта эътибор қаратилмоқда. Улар ҳар томонлама қўллаб-қувватланиб, амалий ёрдам олмоқда. Асаларичиларга тижорат банклари томонидан имтиёзли кредитлар ажратилиб, мутахассисларнинг иштирокида семинарлар ташкил этилмоқда.**

Тумандаги "Тақиркўл-Ўрнак" агрофирмасидан 10 гектар ер олиб, боғдорчилик билан бирга уч йилдан буён асаларичилик билан шуғулланиб келяпмиз. Хонадонимизда 35 та асалари оиласи бор. Қиш ойларининг ноқулай келишига қарамасдан, асалари оилаларини сақлаб қолишга ҳаракат қилдик.

Асаларичилик — меҳнати оғир, лекин "нони" ширин, фойдали соҳа. Ўтган йили оила аъзоларимиз билан 10 миллион сўмга яқин даромад қилдик. Бундан ташқари, аҳолини арзон нархда мева-сабзавот маҳсулотлари билан таъминлаб турибмиз. Асаларичилик билан шуғулланиш истагини билдирган фермер хўжаликларига, хонадон эгаларига тажрибамдан келиб чиққан ҳолда, амалий



ёрдам бериб келяпмиз. Келгусида ўғилларим билан ҳамкорликда асаларичилик фермер хўжалигини ташкил этмоқчиман.

**Жуманазар ЖАННАЗАРОВ,**
**Нукус туманидаги "Тақиркўл-Ўрнак" агрофирмасининг ишчиси.**

**РАҚАМЛАРДА ҲАЁТ АКСИ:**

**2012-2013 йилларда** Қорақалпоғистон Республикасида **141 та** асаларичилик фермер хўжаликларини ташкил этиш, уларни **1410 та** асалари уялари билан таъминлаш режалаштирилган. Тижорат банклари томонидан асаларичиликни ташкил этиш учун талаб этиладиган кредит маблағларини ажратиш белгиланган.

Бундан ўн тўққиз йил аввал туманимиздаги Саройкўл овул фуқаролар йиғини ҳудудида фермер хўжалиги ташкил этдик ва 10 гектар майдонга чигит экиб, иш бошладик. Мана орадан вақт ўтиб, фермер хўжалигимиз ер майдони кенгайди.

## МАҲАЛЛИЙ ЎҒИТ — ЭКИН ДАРМОНИ

Ўтган йили 100 гектар майдонга чигит экиб, 34 центнердан ҳосил олдик. Даромад 247 миллион сўмни, соф фойда эса 74 миллион сўмни ташкил этди. Бундан ташқари, 25 гектар май-



донга ғалла экиб, 35 центнердан ҳосил олдик. Энг муҳими, ўтган даврда хўжалигимиз техника базасини мустаҳкамладик. Бугунги кунда фермер хўжалигимиз 11 та техникага эга.

Мутахассислигим агроном бўлганлиги боис, ҳар қандай экиндан юқори ҳосил олишнинг асоси — маҳаллий ўғит эканлигини тажрибамдан яхши биламан. Фермер хўжалигимиз аъзолари билан биргаликда ҳар йили куз-қиш ойларида экин майдонларига етарли миқдорда маҳаллий ўғит чиқаришга алоҳида эътибор қаратамиз. Бу эса ҳосилдорлик ошишида муҳим омил бўлаётир.

2005 йилдан бери деҳқончилик билан бирга чорвачиликни ҳам ривожлантирмоқдамиз. Ҳозирги кунда фермер хўжалигимизда 183 бош қорамол бўлиб, шунинг 86 боши соғин сигирлардир. Чорва молларидан олинаётган сут маҳсулотини ўзимизда қайта ишлаш мақсадида хориждан 34 миллион сўмлик ускуна олиб келиб, ишга туширдик. Айни пайтда сутни қайта ишлаб, кунига 35-40 килограмм қаймоқ ишлаб чиқармоқдамиз. Сут маҳсулотларини Хўжайли туманидаги Меҳрибонлик уйи, Мурувват уйи ва болалар боғчаларига шартнома асосида етказиб бермоқдамиз.

Мустаҳкам оила йилида ҳам 100 гектар майдонга чигит, 25 гектарга кузги ғалла экиб, зарур агротехника қоидалари асосида парваришламоқдамиз. Ниятимиз пахта ҳосилдорлигини 40, ғалла ҳосилдорлигини эса 70 центнерга етказишдир.

**Байрамқилич ДАДЕБОЕВ,**
**Хўжайли туманидаги "Азамат" фермер хўжалиги раҳбари.**

ИМКОНИЯТ

## ҚАЙТА ИШЛАШ САМАРАСИНИ КЎРЯПМИЗ

**Жорий йилнинг биринчи чорагида фермер хўжалигимизда сутни қайта ишлайдиган мини цех фойдаланишга топширилди. Италиянинг "INVENTA" масъулияти чекланган жамиятидан замонавий ускуналар олиб келиниб, бир кеча-кундузда 500 литр сут қайта ишланмоқда.**

Янги цехнинг ишга тушиши билан 7 нафар киши иш билан таъминланди. Маҳсулотлар Қўнғирот сода заводи, нефть базаси ва бошқа йирик корхоналарга шартнома асосида етказиб берилмоқда.

Деҳқончилик ва чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжалигимизда 14 нафар киши меҳнат қилмоқда. Жорий йилда 60 гектар майдонда ғўза агротехник талаблар асосида парвариш қилинмоқда. Кузги ғалланинг ривожи ҳослнинг мўл бўлишидан далолат беряпти. Бундан ташқари, 42 бош қорамол боқилмоқда.

Молларимиз наслини яхшилашга алоҳида эътибор қаратяпмиз. Шу боис, чорва маҳсулдорлиги ошиб бормоқда. Хўжаликда сутни қайта ишлашнинг йўлга қўйилиши даромадимизни оширди. Айни пайтда нафақат ўзимизнинг, балки туманимиздаги "Янги талаб", "Кўкликўл" ширкат хўжаликлари ҳамда чорвачиликка ихтисослашган 11 та фермер хўжаликларида етиштирилган сутни қабул қиляпмиз. Замонавий технология самарасини кўраётган фермер — тадбиркор сифатида шуни бемалол айта оламанки, қайта ишлаш хомашёга нисбатан икки баробар кўп фойда келтиради.

Тумандаги Наврўз овул фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган фермер хўжалигимизда



ёшларни иш билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. Келажакда мини цехда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг турини кўпайтириб, янги иш ўринлари очишни режалаштирганмиз.

**Марат АРИҚБОЕВ,**
**Қўнғирот туманидаги "Тўртқора саксан" фермер хўжалиги раҳбари.**

Саҳифани Давуд АБИБУЛЛАЕВ тайёрлади.

